



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1995 йил, 13 октябрь № 41 (166) ●

Сотувда нархи эркин

Саидмахмуд АКБАРОВ:

## ОБУНАЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ БУРЧИМИЗ



Республикамизда 1996 йилги нашрга обуна давом этмоқда. Мухбиримиз республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи Саидмахмуд АКБАРОВ билан учрашиб, бу йилги обуна мавсуми ва у билан боғлиқ масалалар юзасидан суҳбатлашди.

— Саидмахмуд Саидович, келгуси йил даврий нашрларига обуна мавсуми учун тайёрлик жараёни қандай кечди?

— Республика матбуот тарқатиш маркази ходимлари 1996 йил обунасини ташкил этишга тайёрларлик куришни шу йилнинг июнь ойидан бошлаган эдилар. Бу давр ичида «Ўзбекистон почтаси» концерни тарқатишда давлат почта алоқаси корхоналари ҳамда муҳарририятлар ва нашриётлар билан келгуси йилда даврий нашрларни тарқатиш юзасидан шартномалар тузилди. Республикамизнинг барча алоқа бўлимлари обунани расмийлаштиришда қўланиладиган тегишли ҳужжатлар билан етарли миқдорда таяминландилар. Почта алоқаси корхоналари, муҳарририятлар ва нашриётлар томонидан берилган ҳисоб-китоблар асосида нашрларнинг обуна баҳолари белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакатлар нашрлари каталоги тайёрланди ва жойларга жунатилди.

— Саидмахмуд ака, нашрлар каталоги ва обуна баҳолари ҳақида батафсил суҳбат берсангиз.

— 1996 йил каталогига Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар нашрларини жами—130 номдан зиёд газета ва журналлар киритилган.

Хорижий мамлакат нашрларига обуна ярим йиллик муддатга қабул қилинади. Республика нашрларидан «Постда», «Спорт», «Ўзбекистон футбол» ва яна бир неча нашрларга ҳам ярим йиллик обуна эълон қилинган. Аслида биз республика нашрларининг барчасига ярим йиллик обунани таклиф этган эдик, афсуски муҳарририятлар бизнинг бу таклифимизни етарли гушунмадилар...

Нашрларнинг обуна баҳолари иккита умумлаштирилган харажатлар—биринчиси нашрни тайёрлаш ва чоп этиш, (муҳарририят харажатлари) иккинчиси—уларни тарқатиш билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидан таркиб топган. Бир қа-

раганда нархлар жуда юқоридек туюлади, лекин бу нархлар нашрларни босмага тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар таннарихидан анча пастдир.

Обуначиларга бир оз бўлсада енгиллик туғдириш мақсадида аксарият нашрларга обуна икки индекс бўйича—яъни яқка тартибда обуна учун фуқароларга арзонлаштирилган нархда ва корхона, ташкилотлар учун бошқа нархларда қабул қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида нашрларни тарқатиш харажатлари вилоятларга қараганда бир мунча арзонроқ бўлганлиги сабабли пойтахтимизда обуна алоҳида тузилган каталог асосида қабул қилинади. Бу каталогда обуна баҳолари уч турда белгиланган, биринчиси корхона ва ташкилотлар учун, иккинчиси яқка тартибдаги обуначилар учун нашрларни тураржойга элтиб бериш шарти билан ва учинчиси нашрларни обуначилар абонент қўтичаларидан ўзлари олиб кетиш шарти билан. Табиийки, учинчи турдаги обуна баҳолари энг арзон баҳолардир. Ва ниҳоят, каталогларга киритилган болалар нашрларига («Тонг юлдузи», «Солншико» газеталари ва «Гулхан», «Гунча» журналлари) ҳамда «Бир сафда» журналига обуна баҳоларини белгилашда катта имтиёз берилганлиги ҳам аҳамиятлидир.

— 1996 йилда Марказий Осиё давлатлари нашрларининг Республикамиз ҳудудида тарқатилиши қандай амалга оширилди?

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи қаҳриқ иккинчи сессиясида сузлаган нутқидан келиб чиқиб, «Туркистон—умумий уйимиз» шiori остида Тошкент шаҳрида 26-29 июль кунлари Марказий Осиё давлатлари почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхоналари раҳбарларининг минтақавий йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда Марказий Осиё давлатлари уртасида даврий нашрларни узаро алмашинуви масаласи юзасидан шартнома имзоланди. Келишувга биноан 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Марказий Осиё нашрлари асосан сотув орқали тарқатилади.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудида Россия нашрларини обуна йули орқали тарқатиш масаласи ҳам куриб чиқилмоқда ва яқин кунларда шартномалар имзоланади деган умиддамиз.

— «Хавар» газетасига истакларингиз?

— «Хавар» нисбатан еш нашрлардан, лекин бу кунга келиб у зининг доимий мухлисларини тоғди десак муболага қилмаган бўламиз. Ушбу нашрни бошқа соҳа кишилари қўлида ҳам куриб қувонаман. Таҳрир хайратига катта муваффақиятлар тилайман.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
суҳбатлашди



Собир Раҳимов телефон тугунида кросс электромантури Мария Епифанова 16 йилдан буён хизмат қилади. У з ишени пухта билиши, талабчанлиги боис ҳамкасблари орасида обрў-этибор қозонган.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ВОҚЕЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • ХАВАРЛАР •

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Атроф-муҳитни қайта тиклаш» мавзусидаги халқаро семинари қатнашчиларига табрик йўллади.

• Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи давлат музейида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини талқик этиш масалаларига бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди.

• Туркманистон Президенти Сапармурод Ниезовга Ҳиндистоннинг собиқ Президенти Зайл Сингх томонидан тасъис этилган халқаро мукофот топширилди.

• Қоҳирада Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси очилди.

• Россия ҳукумати Грознида фақуллода ҳолат жорий этишни мулжаллаётти.

• Озарбайжон ташқи ишлар вазири Гасан Гасанов БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида жаҳон ҳамжамияти диққатини Озарбайжон—Арманистон можаросига жалб этди.

• Вашингтонда Гарбнинг тараққий этган 7 давлати молия вазири ва марказий банклари раҳбарлари учрашувида валюта тағлиқларининг олдини олиш мақсадида 50 миллиард долларлик махсус жамғарма гоёси маъқуланди.

• БМТ Бош қотиби Бутрос Галий Босниядаги тинчликни сақлаш қўшинлари сонини 9 минг нафарга қисқартириш ҳақидаги қарорни имзолади.

• Франция армиясининг Комор оролларидаги чекланган қўшинлари бу ердан босқичма-босқич олиб кетила бошланди.

## ҲУРМАТ ҚИЛГАН ҲУРМАТ ТОПАДИ

Ромитан тумани «Боғи-Туркон» жамоа ҳужашиги марказида «Боғи-Туркон» почта алоқа бўлими жойлашган бўлиб, у 1962 йил 1 августдан буён фаолият курашиб келади. Бу алоқа бўлимининг ташкил этилишида электр алоқа мантури Исмаил ака Нейматов жонбозлик курашган. У киши у з меҳнат фаолиятини 1958 йили мантурликдан бошлаган. Айни пайтда «Боғи-Туркон» почта алоқа бўлими бошлиғи лавозимида ишламоқдалар.

Яқинда у з касбининг фидойиси И.Нейматовни ҳамкасблари 60 ешга тулганлиги муносабати билан муборақбод эти-

шиб, унга узок умр, сиҳат-саломатлик, ишларида улкан зафарлар тилашди. Меҳнат фахрийсини Ромитан тумани почта алоқа боғламаси бошлиғи Шамсиддин Ганиев, шоғирлари — Д.Шукуров ва С.Шодиевлар қизгин қутладилар.

Исмаил ака умр йулдоши Муслима ая билан турт уғил ва турт қизни воёга етказиб, эл ардоғида фаровон ҳаёт кечирибмоқда.

Шароф БОҚИЕВ,  
Бухоро вилояти

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! «Хавар» газетасига обуна давом этмоқда. Газетига бир, уч, олти ой ва бир йилга обунани расмийлаштириш сизнинг ихтиёрингизда! Фақат шошининг, обуна мавсуми кутиб ўтирмайди.

«Хавар» газетасининг нашр курсатқичи — 64600.

Яккабоғ тумани электр алоқа боғламаси бошлиғи Нурмахмат ЭРРАХМАТОВ бозор иқтисодиёти шароитида аҳолига алоқа хизмати курсатиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Ҳозирги кунда Яккабоғ тумани электр алоқа боғламасида 116 нафар киши хизмат қилади. Шулардан муҳандис-техник ходимлар 30 киши, ишчилар 75 кишини ташкил этади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин алоқа соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди, 1992 йилда

га, 15 фоизини ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга ва қолган 70 фоизини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарф қилиди.

Ҳозирги кунда Яккабоғ тумани буйича 4460 та телефон нуқтаси ишлаб турибди, хонадонларда 3387 та телефон нуқтасидан фойдаланилади.

Туманда кунига 1000 дан зиёд шахарлараро сузлашувлар утказилмоқда. Шу йилда 600 минг сумдан кўп капитал-таъмирлаш ишларини бажариш кузда тутилмоқда. Яккабоғ қишлоғидаги автомат-телефон станциясини капитал таъмирлаш учун 200 минг сумлик алоқа қурилмалари олиб келинди. Ерданчи хужалик учун бир дона «Т-28» трактори сотиб

ни олишга сазовор бўлди.

Эришилаётган бу ютуқларга бўлим бошлиқларидан Баҳром Ҳайдаров, Жовли Раҳимов, муҳандис Музаффар Жалилов, телефончилар Раъно Жалилова, Муассар Бобоёва, техниклар Ойдин Ҳакимова, Рисолат Юсупова, усталардан Раҳмат Набиевлар муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шу билан биргаликда ҳали ишимизда катта камчиликлар ҳам бор. Мавжуд 4460 та телефон ва 10475 радио нуқталар шу кун талабларига жавоб бермайди. Электр кабеллари, ёғоч, темир-бетон устунлари кундан-кунга эскириб

## ИЗЛАНИШЛАР БЕҲУДА КЕТМАЯПТИ.

иш сифатини ошириш буйича «Узбектелеком» концернини томонидан ишлаб чиқарилган Дастурларни бажара бориб, шу кунгача 89,5 км ҳаво алоқа линияларини, 30,48 км кабел алоқа линияларини таъмирлаш, 6,15 км ҳаво линия симларини алмаштириш ишлари бажарилди. Бу эса ўз самарасини қўсатмоқда. Олдинлари алоқа асбоб-ускуналаридан кунига 35-40 та носозликлар қайд этилган бўлса, ҳозир эса кунига 3-4 тадан ошмайпти, баъзи кунлари эса умуман бузилишлар бўлмайди. Алоқа хизмати буйича 1994 йили 2 миллион 527 минг сум урнига 3 миллион 110 минг сумлик иш бажарилди, рентабеллик даражаси 78,3 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг ярим йилигида алоқа хизмати турлари буйича режани 133 фоиз, яъни 4 миллион 721 минг сумга бажарилди, рентабеллик даражаси 67,8 фоизни ташкил этиди. Натияжада корхонамиз ярим йилликда барча турлиги солиқ туловларидан сўнг 802 минг сум соф фойда олди. Олинган фойданинг 15 фоизини моддий рағбатлантириш-

олдик.

Марказий Алоқа уйида хужалик оморхонаси куриб битказилди. Туман аҳолисига электр алоқа хизмати курсатишни янада яхшилаш мақсадида мавжуд автомат-телефон станцияларини замонавий рақамли электрон станцияларга алмаштириш, алоқа турларини компьютерлаштириш режаларини кузда тутганмиз.

Марказий Алоқа уйида иккита ерданчи электр манбаи ишга туширилди. Шу йилнинг охирига «Ҳақиқат» ва «Узбекистон», У. Мирзаев номи ширкатлар уюшмасидаги аҳоли телефон нуқталари орқали ҳам «8» лик код билан шахарлараро сузлашувга чиқилари мумкин.

Тизимда ишлайдиган ипчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари куриб куйилган. Уларга бугўй, усимлик ёри, сомон тарқатиб берилмоқда. Ҳозирги кунда бир кишининг урғача ойлик маоши 740 сумга туғри келади.

Қилаётган амалий ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Шу йилнинг ярим йиллик натижаларига қўра электр алоқа боғламаси аҳолига намунали хизмат курсатиш буйича вилоятда иккинчи урин-

бормоқда. Эҳтиёт қисмларни олиб келиш тобора қийинлашяптир. Кабел махсулотлари етишмайди. Ташкилотлар хизмат ҳақларини ўз вақтида тўлай олмаётганлар. Шунинг учун ҳам улар бутунги кунга келиб корхонамиздан 2 миллион 500 минг сум қарздор бўлиб қолишди.

Айрим фуқаролар оддий телефондаги рақамларни тешириш эриниб, «07» орқали гаплашяптир уриниб, телефончиларнинг вақтини беҳуда олмоқдалар. Натияжада телефончилар шахарлараро буюртма хизматини бажариш урнига фуқароларнинг саволларига жавоб бериш билан банд бўлиб қолишмоқда. Келгусида бундай оворатарчилар бўлмаслиги учун ҳаракат қилияптир.

Хуллас, жамоамиз аҳолига курсатилаятган алоқа хизматини яхшилаш йўлида изланмоқда. Мақсадимиз — алоқа соҳасини тараққий эттириш, эл-юрт равиқи йўлида самарали меҳнат қилишдир.

**Ақбар БЕРДИЕВ**  
эъиб олди

## ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Урғачда алоқа жиҳозлари ишлаб чиқариладиган завод қурилаётганидан муштарийларнинг хабари бор. Узбекистонда бундай заводнинг бундә этилиши катта воқеадир. Бу қурилишда Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» фирмаси ҳам иштирок этмоқда. Мухбиримиз ўшбу фирманинг Президенти, жаноб Ю Ки Бем билан сўхбатлашди:

— Жаноб Ю Узбекистонга тез-тез таширив бюришингизга сабаб нима?

— Тўғри, кейинги йилларда Узбекистонга иш юзасидан жуда тез-тез келияман. Ҳақиқатан бу юрт мени уzigа олуфта этиди. Эндиги сафаримдан мақсад — Урғачдаги алоқа заводининг технологик қисмини қуриш учун қўшма корхона тузиб, тез фурсатда бу заводда тайер махсулот ишлаб чиқишни йўлга қўйиш борасида узаро ҳужжатларни имзоланган иборат этиди.

Узбекистондаги қўшма янги АТСлар учун алоқа жиҳозлари зарур. Қўшма корхонамиз барча алоқа асбоб-ускуналарини етказиб бериш имкониятига эга булади. 10 ой ичида заводда тегишли техникаларни келтириб, замонавий

АТСлар ишлаб чиқишни режалаштирганмиз. Дастлаб Сеул шаҳридан телефон станциялари жиҳозлари олиниб, ўшбу заводда йиғилади. 3-5 йилдан сўнг автомат телефон станцияларининг ускуналари заводнинг узидә тайерланади ва йиғилади. Заводда «ДТС-2000» рақамли АТС ишлаб чиқилади. Бу техникаларнинг қуввати ҳар хил бўлиши мумкин. Биринчи босқичда йилга 150,0 минг рақамга мужалланган станциялар тайерланади. Талабга қараб станцияларнинг қуввати ошириб борилади. Махсулотларнинг сифатини тула қафолатмаймиз.

— Қўшма корхонанинг фаолияти қандай булади?

— Ўшбу қўшма корхона узаро тенг шерикчилик асосида тузилган. Аввалига Алоқа вазирлигидан биз узимизга тегишли булган қурилиш ишларини бажарамиз. Сўнгра «ДЭУ-Телеком» фирмаси завод учун керакли станок ва жиҳозларни келтириб, урнатиб беради. Шунингдек, фирмамиз мутахассисларни ўқитишга ҳам тайер. 1996 йил 1 сентябрда буюртмачига АТСлар етказилиб берилди. Тайер махсулотларнинг 70 фоизини Алоқа вазирлиги олса, қолган 30 фоиз махсулот, завод ичтеридә қолади. Акция қозғаларининг 51 фоизи «ДЭУ-Телеком»

фирмасига ва қолган 49 фоизи эса Алоқа вазирлигига тегишли булади. Дивидендларни тақсимлаш, ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар узаро келишув асосида амалга оширилади. Қўшма корхонанинг Низом асосидаги жамғармаси 6,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга 5 йил мубайида «ДЭУ-Телеком» заводга 15,0 миллион АҚШ доллари миқдоридә маблуд берилиши кузда тутатган. Муҳаб, инкирозга учрамаслик учун ишимизни пухта режалаштирганмиз.

— Алоқа заводи фақатгина АТСлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганми?

— Биринчи босқичда АТСларнинг умумий фойдаланишга ва ташкилотлар, қишлоқ жойларига мужалланган турлари тайерланади. Ишининг бориши ва талабга қараб махсулот турлари қўнайтириб борилади. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, бу завод Марказий Осиёдаги ягона, энг катта алоқа заводи булади. Бу ерда жаҳон андозаларига жавоб бериладиган энг замонавий телекоммуникациянинг барча ускуналарини тайерлаш имконияти мавжуд.

«ДЭУ-Телеком» фирмаси Узбекистон иқтисодиётини ўзвужлантиришга хизмат қилади деб уйлайман.

**А. КУДИНОВ**  
сўхбатлашди

## ИШИМНИ ЯХШИ КЎРАМАН

лейди хат сараловчи 23 ёшли Собир Шарипов.

Бозор иқтисодиёти шароитида одамлар икки хил тоифага ажралиб қолаётгандек туюлмоқда. Биринчи гуруҳ деганда куз олди-



мизга бевосита ишбилармонлик, тижорат билан шуғулланувчи, хорижий машиналарни миниб, егани олдида, емагани кетидә булганлар келади. Иккинчи тоифадәгилар деганда маошга куз тикниб, амал-тақал тирикчилик утказаетган кишиларни эслаймиз. Шунда улар нима учун биринчи гуруҳ томонга узини урмайпти, еки иккинчи томоннинг ҳам узига яраша жозибаси борми деган савол тутилади.

Сўхбатдошим иккинчи тоифага мансуб. Тириқчоқ, қизикшининг чеки-чегараси йўқ. Камгап, камтар йигит.

Собир Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Навоий номида жамоа хужалигида тутилган. Ҳали уйланмаган. Оиласида иккинчи фарзанд.

— Болагингизда ким булиши хоҳлагансиз? Почтада хат сараловчи бўлиб ишлагини орзу қилганингиз десангиз мутлақо ишонмайман, — дея уни ошқора турунча чорлашди:

— Болагингизда машиналарни тузатадиган уста булиши хоҳладим. Саққизингизни битириб, естачиликка ўқидим. Уқидини битиргач, бир йил машина тузатадиган устага шоғирд тушдим. Машинани узим тузата оладиган булганимда сўнг Кўчадаги модлар ателесининг костюм-шимлар бичувчи устаси Каҳҳор акага шоғирд тушдим. У ерда икки йил ишладим. Бир кунги Халқаро почта-мтда юкчилар бригадирини бўлиб ишлайдиган почтам Турғун ака Муҳамедовдан почтага хат сараловчилар кераклиги ҳақида эпителиб қолдим. Амакимининг қизлари Зулфия иккимиз хат сараловчи бўлиб ишга кирдик.

Машина тузатадиган, костюм тикадиган уста билан хат сараловчилар почтачининг орасида фарқ бор, албатта. Йигит кишига етмиш хўнар өз дейишадик. Ҳар иккала касбимиз ҳам яхши кураман. Лекин ҳозирги касбимда дои-

мий қолишимга ишонгим комил. Келажакда алоқа коллежига кириб ўқиш ниятим ҳам йўқ эмас.

— Сифлошларингиз қаерларда ишлагаяпти?

— Сифлошларимдан биттаси чилангар, бошқаси савдогар, дукончи, қоровули ҳам бор.

— Агар уша чилангар, савдогар, дукончи, қоровул сифлошлар бир жойда йиғилишса, «почтада хат саралаямман», деб бемалол айта оласизми?

— Бемалол айтавераман. Тўғри, ишни оддийроқ булса, берки-тайдиган е ошириб айтдиганлар ҳам бор-да. Олдий ишда ишлаб пул топши уятми?

Ишимизнинг қийинчилик томони йўқ, лекин диққат билан ишлаш керак булади. Бир кунда 12 соат ишлаймиз, масалан, эрта-лабки соат еттидан кечки еттигача, эртасига эса кечки еттидан эрта-лабки еттигача, икки кун ҳам оламиз.

Бизга турли почта қутиларидан хатларни олиб келиб беришди. Уларни борадиган шаҳар, вилоятларига қараб ажратадим. Озгина англишсак — уйку еки чарчоқ толиб келса, жунатилган хат манзилга етиб бормайди. Дастлаб анча қийналганман. Бригадиримиз Гулзода опа Турсунова ердамизда махтубларнинг адашиб кетиши олди олинган.

— Бир кунда тахминан қанча хат қўлингиздан утади?

— Икки минг, баъзида уч мингтага боради.

— Қизларнинг хат сараловчи еки почтачи бўлиб ишлагини уларнинг оилали булганига, оилали жувон булса, эри билан аҳил яшашига таъсир қилмайдими?

— Баъзан шу ерда ишлайдиган қиз турмушта чиқса, эри «ипинчи олмаштир» деб айтади. Аввало, ҳар кимнинг узига инсоф берсин...

— Узингиз шу ерда сиз билан хат сараловчи бўлиб ишлайдиган, кечаси сменада қоладиган қизга уйлана олармингиз?

— Қиз боланинг касрда, қачон ишлагининг фарқи булмаса керак. Яхши қиз булса, ҳамма жойда ишини топиб кетаявери деб уйлайман.

— Собир, буш вақтингизда нима билан шуғулланишни хуш қурасиз?

— Буш вақтимда мижозлар олиб келган машиналарни тузатаман, баъзида спортнинг бокс тури билан ҳам шуғулланиб тураман.

Собир билан булган сўхбатдан шу нарсалар амин булдимики, у келажакда етук алоқа ходими булишга қатъий аҳд қилган. Келгусида алоқа коллежидә ўқимокчи эканлиги шундан далолат бермоқда. Демак соҳалда, уз ишининг устаси булган ешлар қўнаяди.

**Мақсуда ҲАКИМОВА**

### АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТ!

Тошкент Электротехника алоқа институтини 1996 йилда алоқа каналлари буйича ахборот узатиш қурилмалари ва системалари мутахассислиги буйича кундузги ва сиртки аспирантурага қабул

### ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хужжатларини қабул қилиш мuddати

1995 йилнинг 30 ноябригача.

Имтиҳонлар 1 декабрдан бошланади.

Хужжатлар қуйидаги манзилга жунатилсин:

700089, Тошкент ГСП

Амир Темур кучаси, 108-уй.

Маълумот учун телефонлар:

35-07-63, 35-01-12.

Тошкент Электротехника алоқа институтини ректорати ва жамоаси «Сигналларни узатиш назарияси» кафедрасининг собиқ доценти Григорий Яковлевич ЛЯХОВЕЦКИЙнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига қуқур таъзия изҳор қилади.

ЭСИМНИ ТАНИГАНДАН бери олган мактубларни асраб-авайлаб сақлайман. Мен учун кимдан бўлмасин олинган хат — уша инсон қалбнинг бир парчаси. Унга қаршимда турган инсондек муносабатда бўлган мактубларни уқиб, кунглинг Ойқор тоғдек кутарилиб кетади. Халқнинг орасида ана шундай олий даражада фикрлайдиган, дунёга гоят теран куз ва ақл билан

роқ мактуб оламан. Газета-журнал ва нашриёт хизмати мобайнида ҳам хатлар билан ишлашга тугри келади.

АЙРИМ МУШТАРИЙЛАР ва адабиёт ихлосмандларидан келган мактубларни уқиб, кунглинг Ойқор тоғдек кутарилиб кетади. Халқнинг орасида ана шундай олий даражада фикрлайдиган, дунёга гоят теран куз ва ақл билан

рон бўласан. Наҳотки кишиларимиз шу даражада хату саводли бўлиб, шунчаки оддий мактуб ёзишни билмасалар-а? дея уқинасан. Наҳотки бу каби дусларимиз ҳарбий хизматда ёки олис юртларда юриб, жигарлари е қалбига яқин бирор инсонга мактуб битмаган бўлсалар, дея ўйлайсан.

Дарвоқе, мактуб ёза билиш ҳам катта маданият, саъят. Ҳазрат Али-

ҳам) фикрлашга ҳалақит бериб, миясидаги бор гоёни ҳам уриб чиқаради. Шу боис ҳам русларда «Телевидение—заняятие дураков» деган нақл бор. Минг бор уэр-у, бу гапда жуда катта ҳақиқат уз аксини топган. Телевизор қаршисида уз-зу-ку утирган бола ҳеч нарса ҳақида бош қотирмайдиган, ҳаётнинг қабарик қирралари ҳақида тукис мулоҳаза этолмайдиган, теран фикрламайдиган, бориға барақа қилиб, эртанги кун ҳақида қайгурмайдиган бўлиб усади. Шунингдек, ойнаи жаҳонга ружу қуйган болада китобга ҳам рабат булмайди. Сабаби телевизор ҳамма нарсани чайнаб, оғзига солиб қуйди. Сиз эса кунингизни лук қилиб ютишингиз керак, холос. Китоб уқиниш учун эса заковат, кунг ва идрок эта билиш қуввати керак. Киши уқиб чиққан бадиий асарини тасавурида жоилантириши даркор. Бунинг учун эса юқорида қайл этилгандек фикрлаш даражаси керак. Бу нарса эса киши саводхонлигининг даражаси билан улчанади.

Юқоридаги мулоҳазаларга мухтасар яқун ясаб айтмоқчиманки, узоқ-яқиндаги еру бирорларлар, қариндош-уруғлар, дилтортар дусларингизга тез-тез мактуб ёзиб туришни унутманг.

Мактубларингизга табарруқ Урхон-Енисей биткислари руҳи ер, ҳазрат Низомиддин Амир Алишер Навоий руҳи мадалкор бўлсин!

Нурали ҚОБУЛ

## КҮНГИЛ КАБУТАРИ

Одатда яхши нутқ ирод этувчи кишиларнинг ёзувчи-зувга унчалик уқуви булмайди. Куп ҳолларда қалами ва тафаккури уткир одамлар эса нотиклик санъатидан йироқроқ булдилар. Буни халқимизда дундагина қилиб, худо бир томондан беради дейишади. Лекин ҳаётда оллоҳ ерлаққан бутун, комил ва фозил инсонлар ҳам борки, буюсиз жамиятимиз ва ҳаётимиз гариб куниниб қоларди.

Имконим даражасида уқувчилар ва хайрихоҳлар билан мулоқот қилиб тураман. Табиийки, езганимдан кура куп-

қарайдиган кишилар борлигидан бошинг осмонга етади. Хат ҳақиқатан ҳам кунгил кабутари эканлигига ишонч ҳосил қиласан ва шу инсоний мактубга жавоб битунча кунглинг жойига тушмайди. Яйраб, вужудинг сархуш хисларга лиммо-лим тулиб жавоб езасан. Ҳаётингизнинг оғир, ташвиш-дақиқаларида қутилган еки кутилмаганда келган бир мактубдан кунглинг қанчалик равшан тортиши мумкин.

Одатда хат езмайдиган одамлар уқимайдилар ҳам. Мактуб битмоқ — фикрловчи кишиларнинг тирикчилигидир. Гоҳида тупта-тузуқ уқитувчи, табиё еки муҳандисдан келган мактубни уқиб ҳай-

шер Навоий еки Лев Толстойнинг мактубларини олиб кунинг. Ҳар бири уша даврнинг бетакрор бадиий ва тарихий манбаси. Бу мактублардан ана шу пайгамбар тахлит кишиларнинг нурли қалби, руҳи ёду сониб турвали.

МАКТУБ БИТМОҚ ҳам саломалик каби болаларга ёшлтигидан ургатиладиган ва ундаги иншо битиш куникмаси такомиллаштирилиб бориладиган энг савобли, зарур фарзлардан биридир. Бунда оила, мактаб, китоб ва турли нашрлар муҳим аҳамиятта эга, албатта. Энг муҳими — мактуб ёзмоқ болани фикрлашга ургатади. Бугунги куннинг энг оммавий тирикчилиги бўлиш ойнаи жаҳон эса боланинг (хатто катталарнинг



Оталар турунги — жоннинг ҳузори.

### • Янги нашрлар

## РАНГЛИ, СУРАТЛИ ГАЗЕТА

Республикамизда чоп этиладиган газеталар сафига яна бир нашр қушилди. «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитаси муассислигидаги «Ипак йули» халқаро туристик газетасининг илк наشري «Ипак йули» газетаси босмадан чиқди. Газетадаги мақолалар уч тилда — ўзбек, рус ва инглиз тилларида босилган.

У қадимий ипак йўлининг асосий манзилгоҳларидан бири булган куҳна Ўзбекистонимизнинг бой маданиятини, саноати, фан-техникаси, табиати, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари куҳна шаҳарларимиздаги ноёб обидаларни тарғиб қилишда, сайёҳлик буйича узаро ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашда муҳим роль уйнайди.

Янги газета мамлакатимиз билан дипломатик алоқаларни урнатган барча хорижий давлатларга тарқатилди.

Газетада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган энг яхши маҳсулотлар, таниқли тижорат фирмалари, сайёҳлик марказлари фаолияти кент тарғиб-реклама қилинади.

«Ипак йули» газетаси «Ўзбекистон» нашриятининг «Ношир» компьютер марказида тайёрланиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. Бу газета рангли суратлар билан замонавий усулда чоп қилина бошлаган республикамиздаги илк матбуот нашридир. «Ипак йули»даги ҳамкасбларимизга омад тилаймиз.

## ДҮРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

### БОШДАН МАЪЛУМ

Таниқли давлат арбоби Усмон Юсупов оддий, меҳнаткаш одамлар билан жуда очилиб-сочилиб гаплашар экан. Бир куни у пахтазорларни айлашиб юриб, далаинг нотекислигидан андак ранжибди. Бригадирни чақириб, койибди:

— Оғайни, далаи яхши текисламабсиз-ку?!

Бригадир чапанроқ, гап келса отасини ҳам аямайдиган одам экан, тап тортайм, каттаинг дунг пешонасига ишора қилиб, дейди:

— Ҳа, энди кужайин, бу дуненинг ишлари бопданоқ шунақа нотекис бўлса мен нима қилай?

Мулжалта беҳато урилган ақсиядан завқланган Ота қийқириб кулиб юборибди ва бригадирни даст кутариб бир айлантириб қуйибди. Сунг елкасидаги яп-янги костюмини унга эсдалик учун ечиб берибди.

### КУНГАБОҚАР

Бобоҳон Шариф Дурмондаги дала ҳовисига эккан кунгабоқар говлаб, анча бўлиқ булди. Бир куни қушниси Мирпулатга Бобоҳон мақтанди:

— Бизнинг кунгабоқарни курдингизми зурлигини! Энди иморатга еғоч қидириб ҳам юрмайман, бемалол ҳари, тусин урнида ишлаверамаман.

— Яхшиси тилдириб, тахта қидириб, шунда баракали булади, — деди Мирпулат пинагини бузмай.

### ХОТИРА ДОРИСИ

Адабиёт ва илму маърифатнинг катта мухлиси Абдухалил ҳожи Чақалон паришонхотирликда гоҳо Маҳкам Маҳмуд Андижонийдан қолишмасди. Бир куни у шифокор укаси Абдурашид билан Тошкентга келиб, атай хотира дориси олиш учун бозорга (шунда камб дорилар ҳам бозорга чиқиб кетганди) киришди. Ака-ука сураб-суриштириб, танлай-танлай хотира малҳаманинг энг зуридан сотиб олишди.

Икковлон хурсанд ҳолда машинага ўтириб йўлга чиқингач ака сурайдди:

— Қани энди доридан олчи!

— Дори менда эмас, узингизда, — дейди ука ҳайрон булиб.

— Менда ҳам йуқ! — дейди ҳожи чунтақларини пайпаслаб.

Маълум бўлишича ака-ука хотира дорисининг пулини тулашибди-ю, дорининг ўзини унутиб қолдиришган экан.

### Ш. ОТАБЕК

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АҲМЕДОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпулат МИРЗО  
Тоҳир РАҲИМОВ  
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ  
Бобоҳон ШАРИФ  
ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ

Билол АМИНОВ  
Сайдмаҳмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Мехмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Жамол КАМОЛ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Сафар ОСТОНОВ  
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятта келган қўзғалмар (2 ораликда, 5 бетдан оммавийлик лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолаларга фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатта олиш №000011. Буюртма №Г-0478. 9894 нумарда чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табақ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБОО КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 16

ЎзТВ I

- 17.25 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.30 **Янгиликлар.**
- 17.40 «Аждодлар мероси — ҳазина». Нахмиддин Кубро.
- 18.10 «Омилкор инсонлар». Публицистик кўрсатув.
- 18.35 Футбол шарҳи.
- 18.55 Ўзлонлар.
- 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.20 Ўзлонлар.
- 19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тановар» миллий ракс ансамблининг концерти.
- 20.10 Оқшом эртаклари.
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 «Мен ва дунё».
- 21.35 Тўфон Минуллин. «Алла».
- Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
- 23.15 Ўзлонлар.
- 23.20—23.45 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент»

- студияси таништирилади:
- 18.30 Болалар учун «Кўзумчоқ».
- 19.00 «Дехқон химмати».
- 19.30 «Йулингиз бехатар бўлсин!».
- 20.00 «Шаҳарда дув-дув...».
- 20.30 «Спорт-тайм».
- 21.00—23.15 «Асов дарёнинг жилваланиси». Бадийий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20—21.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.45—00.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

- 19.40 «Мультикарусель».
- «ОМАД» таништирилади:
- 19.55 Ўзлонлар.
- 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадийий фильм.
- 20.50 «Жаҳон географияси».
- 21.40 Ўзлонлар.
- 21.45 Видео — «О».
- 23.25 Ўзлонлар.
- 23.30 «Курьер».
- 23.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
- 24.00—00.10 «Постфактум».

СЕШАНБА, 17

ЎзТВ I

- 7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувви.
- 9.00 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва кирол қасрининг сирини».
- 10.15 Немис тили.
- 10.45 «Синфдош». Тележурнал.
- 11.10 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».
- 11.40 Тўфон Минуллин «Алла».
- Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
- 13.20—15.20 «Умидлар йили». Видеоканал.

- 17.25 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.30 **Янгиликлар.**
- 17.40 «Доно бобо даврасида».
- 18.10 «Лола ҳақида кисса». Мультфильм.
- 18.20 Мусикали драмалардан ария ва дуэтлар.
- 18.55 Ўзлонлар.
- 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.20 Ўзлонлар.

- 19.25 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».

- 20.10 Оқшом эртаклари.
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Абдуҳамид Гафуров.
- 22.10 «Парвоздаги турна». Бадийий фильм.
- 23.40 Ўзлонлар.
- 23.45—00.10 «Ахборот».

ЎзТВ II

- «ОМАД» таништирилади:
- 18.30 «Мультфейерверк».
- 18.45 «Табиат дунёси».
- 19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
- 19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
- 20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 21.10 Видеогид.
- 21.30 «Теле-ателье-шоу».
- 21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 22.20—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

18.20—21.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

- 19.40 «Мультикарусель».
- 19.55 «Ўзбектеелефильм» кўрсатади. «Самарқанд — менинг ёрқин юлдузим». Премьера.
- 20.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
- 20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
- 21.25 «Жаҳон ва биз».
- 22.10 «Кашфиётлар ва ихтиролар». Илмий-маърифий кўрсатув.
- 22.50 — 23.50 «Соқкер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 18

ЎзТВ I

- 7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувви.

- 9.00 «Парвоздаги турна». Бадийий фильм.
- 10.30 Инглиз тили.
- 11.00 «Янги китоблар».
- 11.30 «Алифбо сабоқлари».
- 12.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Абдуҳамид Гафуров.
- 13.10—15.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

- 17.25 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.30 **Янгиликлар.**
- 17.40 «Умид учқунлари». Ўсмирлар учун тележурнал.
- 18.10 «Шеърлий дақиқалар».
- 18.20 «Хуқуқий жамият сари».
- 18.55 Ўзлонлар.
- 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.20 Ўзлонлар.
- 19.25 Спорт хабарномаси.
- 19.35 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг хонандаси Насиба Сатторова куйлайди.
- 20.10 Оқшом эртаклари.
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.55 Ўзлонлар.

ЎзТВ IV

- 21.00 «Олтин мерос». Замахшарий.
- 21.50 **Ўзбек киносининг 85 йиллигига.** «Ўтган кунлар». Бадийий фильм.
- 23.20 Ўзлонлар.
- 23.25—23.50 «Ахборот».

ЎзТВ II

- «Тошкент» студияси таништирилади:
- 18.30 «Ўзим ҳақимда...».
- 19.00 «Хонадонигизда оёсийштаклик бўлсин!».
- 20.00 «Янги ихтисод».
- 20.35 «Тет-а-Тет».
- 20.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
- 21.40 «Тошкент оқшомида».
- 22.40—00.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

- 19.40 «Мультикарусель».
- «ОМАД» таништирилади:
- 19.55 Ўзлонлар.
- 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадийий фильм.
- 20.50 — 23.50 «СПОРТ КИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 19

ЎзТВ I

- 7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувви.

- 9.00 «Ўтган кунлар». Бадийий фильм.
- 10.30 Ўқув кўрсатувви. Умумий биология.
- 11.00 «Болалар — гуллолалар».
- 11.20 «Истиклол адабиёти».
- 11.50 «Қирқ хунар ҳам оз».
- 12.20 «Ешлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
- 13.00 «Истеъдод». Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Улугбек Полвонов ижро этади.
- 13.35—15.35 «Маърифат» видеоканали.

- 17.25 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.30 **Янгиликлар.**
- 17.40 «Сехрли мўйқалам».
- 18.00 «Нон таъми».
- 18.25 «Қахрамон Дадаев». Фильм-концерт.



- 18.55 Ўзлонлар.
- 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.20 Ўзлонлар.
- 19.25 «Шарқининг мумтоз мусаввири». Камолитдин Бехзод.
- 19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
- 20.10 Оқшом эртаклари.
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 «Туркистон — умумий уйимиз».
- 21.30 Пахтакорлар учун концерт.
- 22.10 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
- 23.35 Ўзлонлар.
- 23.40—00.05 «Ахборот».

- «ОМАД» таништирилади:
- 18.30 «Омад» тақвими.
- 18.35 «Кўнгил».
- 18.40 «Мухаббатга ошно қалблар».
- 19.00 «Ишингиз бароридан келсин!».
- 19.10 «Теле-ателье-шоу».
- 19.20 Видео янгиликлари.
- 19.40 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
- 20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 21.15—22.55 «Кинонигоҳ».

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

ЎзТВ

21.45—23.00 «Етти қария ва бир қиз». Бадийий фильм.

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00—01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

- 19.40 «Мультикарусель».
- 19.55 «Ешлик оқшоми».
- 20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
- 21.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
- 22.20 «Ўзбекистон — Япония: ҳамкорлик йўли».
- 23.00 — 00.05 «О, муҳаббат». Мусиқий кинокомедия.

ЖУМА, 20

ЎзТВ I

- 7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувви.

- 9.00 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
- 10.30 Ўқув кўрсатувви. Физика.
- 11.00 «Ешлик» студияси. «Оқар дەرлар».
- 11.30 Ўқув кўрсатувви. Математика.
- 12.00 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
- 12.40 «Ривоят». Публицистик кўрсатув.
- 13.00 Миллий кураш бўйича халқаро турнир.
- 13.30 «Кичкинтой»га хат келди».
- 14.00—15.10 Пулат Мўмин. «Ковоқвой билан Чаноквой». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томишбилар театрининг спектакли.

- 17.25 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.30 **Янгиликлар.**
- 17.40 Мультфильм.
- 17.50 «Митти юлдузлар».
- 18.20 «Тилга элтибор...».
- 18.55 Ўзлонлар.
- 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.20 Ўзлонлар.

- 19.25 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».

- 20.10 Оқшом эртаклари.
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 «Футбол майдонларида». Афро-Осиё кубогининг ўйинлари олдидан.
- 21.20 **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Юлдуз Усмонов ва куйлайди.**
- 22.20 «Кино. Кино. Кино...».
- 23.00 Ўзлонлар.
- 23.05—23.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

- «Тошкент» студияси таништирилади:

- 18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
- 19.00 «Билиб кўйган яхши».
- 19.25 «Бизнес-академия».
- 19.50 «Самарали изланишлар».
- 20.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокурсаути (рус тилида).
- 21.10 «Кимга қанақа?».
- 21.55—23.10 «Кобра» операцияси». Бадийий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.45—01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

- 19.40 «Мультикарусель».
- «ОМАД» таништирилади:
- 19.55 Ўзлонлар.
- 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадийий фильм.
- 20.50 «Компьютер — Осиё».
- 21.20 «Кулгига нима етсин!».
- 21.45 «Америка юлдузлари».
- 22.15 Ўзлонлар.
- 22.20 «Даракчи».
- 22.30 Ўзлонлар.
- 22.35 — 00.15 Видео — «О».

ШАНБА, 21

ЎзТВ I

- 7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувви.

- 9.00 «Шайтонвачча». Бадийий фильм.
- 10.15 «Оналар мактаби».
- 10.45 «Кўғирчоқлар — менинг дўстларим».
- 11.20 «Таъзим Сизга». Мусиқий дастур.
- 12.10 «Салом, фестивал!».
- 12.40 «Латиф Файзиев». Ҳужжатли фильм.
- 13.20 «Халқ ижодиёти».
- 13.50—15.50 «Санъат сеҳри». Видеоканал.

- 15.50 Кўрсатувлар тартиби.
- 15.55 **Футбол бўйича Афро-Осиё кубогининг. Ўзбекистон — Нигерия.** «Пахтакор» Марказий стадиондан олиб кўрсатилди.
- 17.55 «Маҳалламиз болалари».
- 18.55 Ўзлонлар.
- 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.20 Ўзлонлар.
- 19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Ялла» ансамблининг концерти.
- 20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
- 20.10 Оқшом эртаклари.
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 **Футбол бўйича Афро-Осиё кубогининг. Ўзбекистон — Нигерия** (ёзиб олинган).
- 22.30 Мусиқий танаффус.
- 22.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

- «ОМАД» таништирилади:
- 9.00 «Мультфейерверк».
- 9.15 «Табиат дунёси».
- 10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
- 10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
- 11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 11.40 Видеогид.
- 12.00 «Теле-ателье-шоу».
- 12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
- 12.50 «Кинонигоҳ».
- 14.30—18.30 «СПОРТ КИТЪАСИ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20—22.50

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55—00.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

- 10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!» Мультфильм.
- 10.30 «Жонли сайёра».
- 11.00 «Менинг кўчам».
- 11.15 «Эртақларнинг сеҳрли оламини».
- 12.45 «Куз наволари». Телефильм.
- 13.05 «Ғазалхон ёшлигим».
- 13.35 — 13.45 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

ЎзТВ I

- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

- 19.40 «Мультикарусель».
- 19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
- 20.05 «Саҳий хонадонда».
- 20.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
- 21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
- 21.55 «Чинсэн».
- 22.40 «Бу ажиб дунё».
- 23.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
- 23.10 — 00.25 «Қасалхона». Бадийий фильм

ЎзТВ II

- «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди.

- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

- 19.40 «Мультикарусель».
- 19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
- 20.20 «Монитор-Осиё».
- 21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
- 21.15 «Глобус».
- 21.45 «Шайман... Куйлайман... Севаман...».
- 22.35 «Бу ажиб дунё».
- 22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
- 23.05 — 00.35 «Аёллар салтанати». Бадийий фильм.

КНШАНБА, 22

ЎзТВ I

- 7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатувви.

- 9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
- 10.00 «Ешлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
- 11.00 Спорт кўрсатувлари: 1. «Шохрух» клуби. 2. «Жаҳон жангавор санъатлари».
- 12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
- 12.45 «Насриддиннинг 41-пашшаси». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
- 13.30—14.10 «Актёрлар ва роллар». Н. Олимов.

ЎзТВ II

- 17.25 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.30 «Томшоҳ» ахбороти.
- 17.45 Мультфильм.
- 17.55 Мактаб ўқувчилари учун «Кўшигим, жон кўшигим».
- 18.35 «Ойнаи жаҳонда».
- 18.55 Ўзлонлар.
- 19.00 «Панорама» (рус тилида).
- 19.30 Ўзлонлар.
- 19.35 «Танишинг, янги дастур: «Парвоз».
- 20.25 Ўзлонлар.
- 20.30 «Ҳафтанома».
- 21.00 Ўзлонлар.
- 21.05 «Тимсол» видеоканали.
- 22.35 ЎзТВ экранда кинокомедия. «Фаввора».
- 24.00—00.30 «Ҳафтанома».

ЎзТВ III

- «ОМАД» таништирилади:
- 10.00 «Омад» тақвими.
- 10.05 «Кўнгил».
- 10.10 «Мухаббатга ошно қалблар».
- 10.30 «Ишингиз бароридан келсин!».
- 10.40 «Теле-ателье-шоу».
- 10.